

## АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ АСАРЛАРИДА ҚЎЛЛАНГАН АЛЛЮЗИВ НОМЛАР ХУСУСИДА

**Шахноза Холиярова**  
Қарши ДУ магистранти

### АННОТАЦИЯ

*Мақолада Абдулла Қодирий асарларида қўлланган антропонимларнинг аллюзив ном сифатида қўлланиши хусусида сўз юритилган.*

*Калим сўзлар: антропонимлар, антропоэтнонимлар, аллюзия, аллюзив ном, интертекстуаллик.*

### АННОТАЦИЯ

*В статье рассматривается использование антропонимов, используемых в произведениях Абдуллы Кадери, в качестве аллюзивного имени.*

*Ключевые слова: антропонимы, антропоэтнонимы, аллюзия, аллюзивное имя, интертекстуальность.*

### ABSTRACT

*The article deals with the use of anthroponyms used in the works of Abdullah Kadiri as an allusive name.*

*Keywords: anthroponyms, anthropoethnonyms, allusion, allusive name, intertextuality.*

### КИРИШ

Бадий матндаги номлар маълум бир ғоя ташиши, образ характерини ифодалаши, макон ва замон руҳиятини бериши, ижтимоий мавқеини кўрсатиши, юқоридаги вазифаларни бажармаса ҳам номлаш вазифасини амалга оширади.

“Бадий матнда антропоэтнонимлардан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

- 1) аллютетик бирлик сифатида матнни шакллантириш ҳамда интертекстуалликни таъминлаш;
- 2) комик эффект ҳосил қилиш;
- 3) салбий ёки ижобий баҳони экспрессив ифодалаш;
- 4) кучли ҳис-ҳаяжонни ифодалаш;
- 5) риторик фигура таркибида келиб тасвирни тиниқлаштириш;
- 6) турли маънодаги мурожаатни ифодалаш.” [4:9]

Антропоэтнонимлар қўллашдан келиб чиқадиган мақсад 1, 2, 3 ҳамда 6-бандларни бевосита антропоэтнонимлар юзага чиқаради, аммо 4 ва 5-бандларни эса

бевосита антропонимлар эмас, аслида юзага чиқаётган бадииятни бошқа воситалар юзага чиқаради.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бадиий матнда интертекстуаллик деганда матнга олиб кирилган турли восита (матн) ларнинг асосий матн билан алоқадорлиги, асосий матндаги ғояни уқиш усули. “Умуман айтиш мумкинки, муайян бадиий матн таркибида ўзга матнларга дахлдор унсурларнинг мавжудлиги шу матннинг интертекстуаллигидир.” [5] Ҳар бир антропоним поэтик бўлмагани каби ҳар қандай матн интертекстуал бўлмайди. Булар ижодкорнинг ниятига ва услубига боғлиқ бўлади. Унинг юзага чиқиши турлича. М.Йўлдошев монографиясида булардан: эпиграф, сарлавҳа, реминисценция, аллюзия кабиларни кўрсатади.

“Аллюзия (лот. *аллусио* — ишора, ҳазил) - барчага таниш деб ҳисобланган реал сиёсий, маиший, тарихий ёки адабий фактга ишора қилишга асосланган стилистик усул. Моҳиятан шарқ мумтоз шеъриятида кенг қўлланилган талмеҳ санъатига яқин келади. Фарқли жиҳати шуки, талмеҳда кўпроқ машҳур тарихий ва бадиий фактларга ишора қилинса, аллюзияда ижодкор ўз замонасидаги сиёсий, маиший ёки бадиий фактларга ишора қилиши ҳам мумкин. Яъни аллюзияда ишора обектининг доираси кенгроқ” [7:27].

Аллюзия – бадиий адабиётда тарихий воқеа, шахслар, диний, мифологик ривоятларга, асосан, реципиентга маълум ва машҳур нарсаларга ишора қилиш. Реципиент бундан хабардор бўлмаса, матндаги интертекстуалликни кашф этолмайди. Антропонимлар орқали ғоят гўзал аллюзияларни Абдулла Қодирий асарларида кўрамыз. “Нигор ойимнинг қозони йўқча, елча гўштни фақат палов шарофати билангина кўрар эди. Лекин Махдум баъзи нарсалар билан ошхонани яхшигина мўлиқдирар, масалан: шалғам, қовоқ, лавлаги. Бу тўғрида хотини ҳарчанд рад қилса ҳам, қоплаб шалғам, йигирма-ўттузлаб қовоқ харид қилишини қўймас — “шалғам — *Биби Фотимаи Зухранинг* дуолари баракати, қовоқ бўлса ҳазрати *Юнуснинг мўъжизалари*”, деб баҳоси арзон ва лекин хосияти кўб бўлган бу маблағлар билан ошхонани тўлдирар берар эди” [3:17]. Юнус антропоними бунда аллюстик бирлик сифатида қўлланган. Бу ҳақида қуйидагича маълумот берилади. Куръон Каримнинг 37-“Вассафот” сурасига кўра Юнус алайҳиссалом ўзини ёлғончи қилган қавмдан ғазабланиб уларнинг бошига кулфат тушушини айтиб, ўзи эса Оллоҳ таолонинг фармонисиз бир кемага чиқади. Денгизнинг ўртасида кема тўхтаб қолади ва у ердагилар ораларида хожасидан қочиб кетаётган кул

борлигини, агар уни туширмаса кема ғарқ бўлишини айтиб, Юнусни денгизга улоқтиришади. Катта бир наҳанг балиқ уни ютиб юборади. Қовоқ ҳақида “Қуръон” китобининг ”Соффат” сурасининг 146-оятда маълумот берилган. Ушбу оятлар мазмунида Аллоҳ таолло Юнус алайҳиссаломнинг наҳанг томонидан ютиб юборилиши, сўнгра унинг қорнидан бутун чиқиши ва куруқликда унинг устига Аллоҳ таоло соя бўлиши ва унинг қорни тўқ бўлиши учун қовоқ дарахтни ўстириб қўйганлиги баён қилинган.

Мана бу мисолда ҳам ғоят гўзал аллюзия қўлланган. “Бир ямоқчи ёки мардикорчи ўз хотинини урадир, сўкадир, тепкилайдир. Бу ҳол уларда аксар фақирлик авжиға минган кезларда воқеъ бўладир. Агар ямоқчи кекирарлик даражада томоқни бопта қилса, иши ўнгидан келиб истикболи бир мунча таъминлангандек бўлса, дарҳол вазият ишонмаслик равишда ўзгариб кетадир: гап-сўз жойида, хотинни уриш ўрниға орқасини силаш, сўкиш ўрниға ялиниш ва арзи муҳаббат. Хотин ҳам кечаги калтак зарбини унуткан, кина ўрниға садоқат; гўё айтарсизким, Юсуф Зулайхоларми деб” [1:19]. Юсуф ва Зулайхо севгиси ҳақида бисёр дoston ва ривоятлар бор. Миср маликаси Зулайхо ўз қули Юсуфга ошиқ бўлади. “Қиссаси Рабғузий”да айтилишича, “Ишқда Зулайхони азиз қилган нарса, Юсуф учун ор-номусидан ҳам кечганлигидир. Бу фикрни Зулайхо шундай изоҳлаган: “Ўз қулинга ошиқ бўлди, теб манга маломат қилдингиз, ул қулумдин тонмасман. Юсуфни ундаттим, қапуғларни беркитдим, этагини мен йиртдим. Нетакким тенгри аzza ва жалла андин хабар берур. Юсуф ўзин сақлади, манга бўйсунмади. Бу Юсуф ҳам кўрклук турур, ҳам ариф турур, ҳам зоҳид турур, ҳам олим турур. Ман ани кўнглинча кўзмағайман, расво бўлдум, эл эшитти, юзум суви тўкулди. (Рабғузий)

Олинган иқтибослар-интерматнлар асар руҳиятига шу даражада мос тушганки, асардаги эксплицит (яширин маъно)ни англайсиз, ҳис қиласиз.

“Юсуф савдосида беқарор Зулайхо исмидан, Мажнун ишқида йиғлаган Лайли отидан - сизга бошимдаги сочларимнинг тукларича беҳад салом” [2:19]. Образнинг ҳолати дарҳол кўз ўнгимизда тасирли гавдаланади, агар адиб ушбу аллюстик бирликларни қўлламаганида, эҳтимол, бизда бу даражада аниқ тасвир пайдо бўлмас ёки кўплаб ифодаларни қўллаш лозим бўларди. Чунки “Юсуф ва Зулайхо”, “Лайли ва Мажнун” дostonларидаги ишқ манзараси бизга аён. Қолаверса бу дostonни тилга олганимизда ассоциатив равишда изтиробли ишқ тасвирини ўйлаймиз. “Алоҳазалқиёс ”Чоҳор китоб”, “Сўфи оллоёр”, “Хўжа ҳофиз”ларни гоҳи волидадан вагоҳи падардан ўқуб ёшим XV-XVI ларга етди”

[1:46]. “Бир вақт қарасанг тупроғингизни ичидан худди Ғўрўғли Султондек бўлиб, ҳалиги афандинг чиқиб келди-ку” [1:72]. Буларга Уж бинни Унук, Дажжол, Ҳазрати Исо, Мусо Алайҳиссалом каби мисоллар кўп. Интерматн сифатида тахлилга олинган номлар умумий матнга сингиб кетганлиги, уларнинг ҳолат ва ҳаракатини ифода этишга, адиб ниятини инъикос этишга оид вазифаларни ифода эта олган.

Қодирий асарларида аллююзия номлар қўлланилгани каби, айти пайтда, бошқа ижодкорлар унинг асарларидаги Отабек, Кумуш, Зайнаб, Анвар, Раъно номларидан фойдаланиб, аллюзиянинг гўзал наъмуналарини яратишган.

Бадиий асарда антропозетонимларнинг қўллашда исмлар шаклан бузиб талаффуз этилади. Бунда муаллиф ўз қаҳрамонининг савияси, худудий мансублиги, қолаверса реал нутқдаги исмлар қўлланишидаги каби масалаларни кўзлаши мумкин:

- киши номлари турли ижтимоий шароитлар, турли тоифа, касб-кор, айниқса, турли шева ва лаҳжаларда гаплашувчи кишилар нутқида кўп бор такрорланади, шаклан хилма-хил талаффуз қилинади;

- ҳар куни киши номлари қўллаган матнларда, бу матнларни тузатаётган шахснинг саводхонлиги, билим савиясига кўра тўғри ва нотўғри (бузук) шаклларида ёзилади;

- исмларнинг талаффуз шаклига шева ва лаҳжалар таъсиридан ташқари номни айтаётган шахснинг ижтимоий, тоифавий ҳолати ҳам таъсир қилади. Кекса авлод одамлар орасида киши исмини тўлиқ айтишга интилиш сезилади. Аммо ёшлар орасида ва оила муҳитида исмларнинг эркалаш, қисқартиш шакллари кенг қўлланилади [6:110].

Айниқса, худудий мансубликни ифодалашда исм талаффузи самарали эффект беради. Некалай (Николай), Ибонуф (Иванов), Лелим (Ленин), Мекалай (Некалай). “1917 йил феврал сўнгинда инқилоб бошланиб, оқ подшоҳимиз тахтдан тобутга олинур. Биринчи мартдан бошлаб халқ оғзинда «Некалай тахтдан тушурулиб, янги ҳукумат тузулубдир», деган хабарлар юрий бошлар. Локин бу хабарларга бизим «Охунд домла» сира ишонмайдир»[1:11]. Ҳикоя қаҳрамони Домла Шариф Охунд бўлиб, муаллиф изоҳи билан айтганда, “Йигирма беш-ўттуз йилни мадраса тупроғи ялаб ўтқарган бир кишини, табиий, бизда уламо қаториға киргузмай ҳол йўқ” аҳволи тарифдан маълум. Яна бир мисолни кўриб ўтамыз. “...башарти мусаннифнинг ўзлари закон айтишдан ожиз бўлгон бўлсалар, *Ибонуфдек* бирор адвокатга бир-икки сўлкавой бериб,

закон айтиролмадиларму, баҳарҳол бул ишга кўб ғайрат керак эди”[1:49].  
Яққол кўриниб турибдики, персонао турли тил вакилидир.

“Шул миёналарда баъзи кишилардин “Лилим подшо ўлди” деган хабарларни эшитадирман, бул хабарга башарти ишонса бўладирму, хайтовур тунов кундан бери ушбу шойиа чиқиб қолади ва “Лилим” деган кишини кўб шижоатлик одам деб эшитар эрдим” [1:50]. Бу ҳаволада қуйидаги лингвопоэтик ҳолат намоён бўлади. Қаҳрамоннинг бошқа тил вакили эканлиги ҳамда жисмоний, яъни нутқидаги нуқсон. Чунки у нутқида бир ўринда “Баъдазон фақирнинг тарбиятига кўшуш айлаб, етти кечани эсон омон ўтказуб, саккизинчи куни бешикка солубдирлар. Аммо ўн биринчи кечамда бироз чалиғлаб ўтубдурким, алҳол бул маънининг асорати каминада боқийдир, яъни такаллум қилғонимда “қих-қих” қилуб ва яна “мош” дейиш ўрнига “бош” деб момимни айта олмайдирман”[1:40].

Муҳим жиҳати шундаки, ижодкор исмлардаги фонетик ўзгаришларни тасодифан қўлламайди, ўзбек тилидаги фонетик ўзгаришларга асосланган ҳолда қўллайди. Масалан, унлиларда энг кўп учрайдиган:

<А ва О> ёки<О ваА> Йўлдаш=Йўлдош, Исохон=Исахонга монанд вариантдорлиги Некалай=Николай, Ибонуф+Иванов каби,

<Б ва В> Отабой=Отавойга монанд Иванов=Ибонуф.

<Н ва М> Муҳсим=Муҳсинга монанд Лелин=Лелим, Николай=Миколай тарзида қўллайдики, товушлар бунда талаффузнинг талабига кўра, лаҳжа ва оғзаки нутқ хусусиятига кўра, баъзи ҳолларда образ саводхонлиги даражасига кўра исм таркибида товуш алмашиниши, товушнинг тушиши, товушнинг ортиши ва нотўғри талаффуз қилиш ҳолида учрайди.

## REFERENCES

1. Абдулла Қодирий. Кичик асарлар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1969.
2. Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. – Т., 2018.
3. Анданиёзова Д. Бадиий матнда ономастик birlikлар лингвопоетикаси. Фил. фанл. бўйича фалс. док. дисс. – Т., 2017.
4. Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоетикаси. – Тошкент, 2008.
5. Худойберганов Р. Ўзбек антропонимияси тизимининг вариантдорлиги. –Т., 2008.
6. Қурононов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент : Академнашр, 2013. –Б.27.